

Сийрат дарслари (107-дарс). Садақа молни ноқис қилмайди



13:00 / 23.10.2020 2986

423. Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дўзахни зикр қилдилар ва ундан паноҳ сўрадилар. Сўнг юзларини уч марта орқага бурдилар ва: **«Дўзахдан бир дона хурмонинг ярми билан бўлса ҳам сақланинглар. Уни ҳам топмасангиз, ширин сўз билан»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

424. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қайси садақа афзал?» дедим. **«Моли ознинг кучи етганича бергани ва (садақа беришни) қарамоғингдагилардан бошла»**, дедилар».

Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

425. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Садақа молни ноқис қилмайди. Аллоҳ афв билан бандага иззатдан бошқани зиёда қилмайди. Ким Аллоҳ учун тавозуъ қилса, албатта, Аллоҳ уни юқорилатмай қўймайди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан